

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

**ҲАЙДОВЧИ ВА ҲАЙДОВЧИЛИККА НОМЗОДЛАРНИ ТРАНСПОРТ
ВОСИТАЛАРИНИ БОШҚАРИШГА ЯРОҚЛИЛИГИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН
ТИББИЙ КЎРИҚДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ
ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 27 июнда рўйхатдан
ўтказилди, рўйхат рақами 2472]

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 2 августдаги 156-сон «Ўзбекистон Республикасида автотранспорт воситаларини ва шаҳар электр транспорти воситаларини бошқариш ҳуқуқини бериш, ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 31-32-сон, 317-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги қарор қилади:

1. Ҳайдовчи ва ҳайдовчиликка номзодларни транспорт воситаларини бошқаришга яроқлилигини текшириш учун тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Соғлиқни сақлаш вазири А. АЛИМОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 11 июнь,
16-сон

Ички ишлар вазири Б. МАТЛЮБОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 11 июнь,
14-сон

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг 2013 йил 11
июндаги 16, 14-сон қарорига
ИЛОВА

**Ҳайдовчи ва ҳайдовчиликка номзодларни транспорт воситаларини бошқаришга
яроқлилигини текшириш учун тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги**

НИЗОМ

Ушбу Низом ҳайдовчи ва ҳайдовчиликка номзодларни автотранспорт воситаларини ва шаҳар электр транспорти воситаларини бошқаришга яроқлилигини текшириш учун тиббий кўриқдан ўтказиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. «А», «В», «С», «D» ва «Е» тоифаларидаги автотранспорт воситалари ҳамда трамвай ва троллейбус (бундан буён матнда транспорт воситаси деб юритилади) ҳайдовчилари ва ҳайдовчиликка номзодлар, уларнинг соғлиғи транспорт воситаларини бошқаришга яроқлилигини аниқлаш мақсадида ушбу Низомда белгиланган тартибда мажбурий равишда тиббий кўриқдан ўтадилар.

2. Ҳайдовчилар, ушбу банднинг **иккинчи хатбошисида** кўрсатиб ўтилган ҳайдовчилардан ташқари, ҳар икки йилда бир маротаба тиббий кўриқдан ўтишлари шарт.

Тижорат асосида йўловчиларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи ҳайдовчилар тиббий кўриқдан ҳар йили ўтади.

3. Ҳайдовчиликка номзодлар тегишли тоифадаги транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини олиш учун мажбурий равишда дастлабки тиббий кўриқдан, транспорт воситаларининг ҳайдовчилари эса мажбурий равишда даврий тиббий кўриқдан ўтказилади.

4. Транспорт воситаларининг бирон бир тоифасини («А», «В», «С», «D» ва «E») бошқариш ҳуқуқига ҳамда ушбу тоифа бўйича тиббий кўриқдан ўтиш муддати тугамаган тиббий хулосага эга ва қуйи тоифадаги (мисол учун «А» тоифа «В» тоифага нисбатан қуйи ҳисобланади) транспорт воситаларини бошқаришга номзодлар қўшимча кўриқдан ўтишлари шарт эмас.

5. Ҳайдовчилар ва ҳайдовчиликка номзодларни тиббий кўриқдан ўтказиш давлат соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш-профилактика муассасалари ҳамда белгиланган тартибда лицензияга эга бўлган хусусий тиббиёт ташкилотлари (бундан буён матнда тиббиёт ташкилоти деб юритилади) қошида ташкил этиладиган тиббий ҳайдовчилик комиссиялари (бундан буён матнда тиббий комиссия деб юритилади) томонидан пуллик асосда амалга оширилади.

Қошида тиббий комиссиялар ташкил этиладиган давлат соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш-профилактика муассасалари ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармалари томонидан белгиланади.

Ногиронлиги бўлган шахсларни махсус ускуналар билан қайта жиҳозланган ва автомат узатгичли енгил транспорт воситаларини бошқаришга яроқлилигини аниқлаш учун дастлабки ва даврий тиббий кўриқдан ўтказиш давлат соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш-профилактика муассасасининг тиббий комиссияси томонидан бепул амалга оширилади.

6. Тиббий комиссия қуйидаги таркибда тиббиёт ташкилоти раҳбариятининг буйруғига асосан ташкил этилади:

терапевт;
нарколог;
психиатр;
кардиолог;
травматолог-ортопед;
жаррох;
невропатолог;
офтальмолог;
котиб.

7. Зарур ҳолларда, яъни тиббий комиссия шифокорларининг соҳа йўналишига тегишли бўлмаган касалликлар аниқланганда, тиббий комиссия таркибига бошқа шифокор мутахассиси жалб этилиши мумкин.

8. Тиббий кўриқдан ўтказиш муддати уч календарь кунидан ошмаслиги керак. Мураккаб, қўшимча тиббий текширув талаб этиладиган ҳолатларда ушбу муддат тиббиёт ташкилоти раҳбари томонидан асосланган ҳолда ўн календарь кунигача узайтирилиши мумкин.

9. Тиббий кўриқдан ўтган шахсларга мазкур Низомнинг **иловасига** мувофиқ 083/ҳ шаклдаги электрон тиббий маълумотнома (бундан буён матнда 083/ҳ шаклдаги тиббий маълумотнома деб юритилади) берилади ва ушбу тиббий маълумотномада тиббий кўриқ натижалари кўрсатиб ўтилади. Бунда, 083/ҳ шаклдаги тиббий маълумотнома Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали юклаб олинади.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 майдаги 408-сон қарори билан тасдиқланган Давлат таълим муассасалари ҳамда автотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини амалга оширувчи бошқа юридик шахсларнинг ўқув гуруҳларини рўйхатга олиш, шунингдек, имтиҳонларни ўтказиш ва миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги **низом** (бундан буён матнда Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги **низом** деб юритилади) талаблари асосида миллий ҳайдовчилик

гувоҳномаларини олиш учун ҳайдовчиликка номзодлар ва даврий тиббий кўриқдан ўтадиган ҳайдовчилар томонидан 083/ҳ шаклдаги тиббий маълумотнома тақдим қилинади.

2-боб. Тиббий кўриқдан ўтиш

11. Тиббий кўриқдан ўтиш учун ҳайдовчилар ва ҳайдовчиликка номзодлар тиббий комиссияга паспорт ёки идентификацияловчи ID-карта ёхуд шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатни кўрсатади.

12. Тиббий кўриқдан ўтувчи шахсларга тиббий комиссия томонидан алоҳида амбулатор тиббий карта (025/ҳ шакли) расмийлаштирилади ва уларнинг рўйхати юритилади.

13. Тиббий кўриқдан ўтаётган шахслар флюорографик текширувидан, RW қон текширувидан ва Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати тўғрисида»ги Қонуни билан тасдиқланган Транспорт воситаларини бошқаришга доир тиббий қарши кўрсатмалар **рўйхати** (бундан буён матнда Тиббий қарши кўрсатмалар деб юритилади) бўйича қуйидаги мутахассислар кўригидан ўтишлари шарт:

терапевт;
нарколог;
психиатр;
кардиолог;
травматолог-ортопед;
жарроҳ;
невропатолог;
офтальмолог.

Тиббий кўриқдан ўтаётган 55 ва ундан ортиқ ёшдаги шахслар ЭКГ текширувидан ҳам ўтишлари шарт.

Ўтган бир йил мобайнида флюорографик текширувидан ўтган шахслар қўшимча равишда флюорографик текширувидан ўтишлари талаб этилмайди. Бунда охириги флюорографик текшируви натижалари тақдим этилиши лозим.

14. Ҳайдовчиликка номзодлар ва ҳайдовчилар транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи таълим муассасаларига ўқишга киришидан бир ой олдин тиббий кўриқдан ўтишлари лозим.

15. Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг **35-бандига** мувофиқ агар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (бундан буён матнда ДЙҲХХХ деб юритилади) ҳудудий органлари ёки автотранспорт ташкилотларидаги мансабдор шахсларда ҳайдовчининг соғлиғига нисбатан шубҳа туғилган бўлса, унга белгиланган муддатдан олдин касбига лаёқати бўйича тиббий кўриқдан қайта ўтиш учун йўлланма берилиши мумкин.

16. Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг **36-бандига** мувофиқ агар ҳайдовчи касбига лаёқати бўйича тиббий кўриқдан қайта ўтишдан бўйин товласа ёки у тиббий комиссия томонидан автототранспорт воситаларини бошқаришга нолайиқ деб топилса унга доир ҳужжатлар ҳудудий ДЙҲХХХ ходими томонидан, белгиланган тартибда автототранспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш масаласини кўриб чиқиш учун суд идораларига юборилади.

Ҳайдовчини тиббий кўриқдан қайта ўтказиш ҳақидаги қарор ҳудудий йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бўлинмаларининг бошлиғи ёки гуруҳларининг катта инспектори, улар бўлмаганда эса ички ишлар бўлими бошлиғи ёки унинг ўринбосари томонидан қабул қилинади.

17. Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг **37-бандига** мувофиқ автототранспорт воситаларини маст ҳолда бошқарганлиги учун бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахслар, миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини қайтариб олиш учун, маҳрум қилиш муддатидан қатъи назар, маъмурий жазо муддати ниҳоясига етгач, мажбурий тиббий кўриқдан ўтишлари шарт.

18. Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг **53-бандига** мувофиқ тиббий комиссия томонидан қайта текширувдан ўтиш муддати

белгиланган шахсларга миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини беришда «Алоҳида белгилар учун» жойида «Tibbiy ma'lumotnoma majburiy» деган ёзув киритилади.

19. Тиббий кўрик ўтказилаётган тиббиёт ташкилотида тиббий кўрикнинг айрим турларини ўтказиш имкони бўлмаган тақдирда, ҳайдовчи тиббий комиссиянинг қарорига кўра бошқа тиббиёт ташкилотига қўшимча тиббий кўриқдан пуллик асосда ўтиш учун юборилиши мумкин. Бунда, ҳайдовчига қайси тиббиёт ташкилотига бориши, унинг жойлашган манзили аниқ кўрсатилиши лозим.

20. Ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини бошқаришга яроқлилигини тиббий кўриқдан ўтказиш Тиббий қарши кўрсатмалар рўйхатига асосан амалга оширилади.

21. Тиббий кўрик натижалари тиббий комиссия томонидан очилган амбулатор тиббий картага (025/х шакли) киритилади. Унда ҳайдовчининг ёки ҳайдовчиликка номзоднинг соғлиғи ҳолати акс эттирилади ва тиббий комиссиянинг транспорт воситаси бошқаришга яроқлилиги тўғрисидаги хулосаси кўрсатилади.

22. Тиббий кўриқдан ўтаётган ҳайдовчи ёки ҳайдовчиликка номзод транспорт воситасини бошқаришга яроқлилиги тўғрисидаги хулосани ҳар бир шифокор ўзининг мутахассислиги бўйича Тиббий қарши кўрсатмалар рўйхатига асосланган ҳолда беради.

23. Транспорт воситаларини бошқаришга яроқсиз деб хулоса қабул қилинган тақдирда шифокор ушбу хулосага асос бўлган Тиббий қарши кўрсатмалар рўйхатининг аниқ бандларини кўрсатади.

24. 083/х шаклдаги тиббий маълумотнома транспорт воситасини бошқаришга яроқлилик тўғрисидаги асосий тиббий ҳужжат бўлиб, тиббий комиссия раиси томонидан тўлдирилади ва тасдиқланади.

Ҳайдовчи ва ҳайдовчиликка номзодлар томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар ҳамда 083/х шаклдаги тиббий маълумотномалар нусхаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш марказида (Data center) сақланади.

25. Тиббий қарши кўрсатмалар рўйхатида белгиланган ҳолларда истисно тариқасида транспорт воситаларини бошқаришга рухсат бериш (индивидуал ёндашув) тиббий комиссиялар томонидан қуйидаги асосларда амалга оширилиши мумкин:

касаллик тури бўйича ихтисослаштирилган тиббиёт ташкилоти (бўлими) хулосаси асосида;

протез бандлик ва меҳнат муносабатлари органлари протез устахоналарида назорат кўригидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида (махсус ускуналар билан қайта жиҳозланган (қўл билан бошқариладиган) ва автомат узатгичли енгил транспорт воситаларини бошқаришга рухсат этилаётган чап оёғи тўлиқ ёки қисман ампутация қилинган шахсларга).

26. Истисно тариқасида рухсат берилган тақдирда тиббий комиссия хулосаси 083/х шаклдаги тиббий маълумотномага «индивидуал ёндашув асосида рухсат этилган» деган ёзув киритилади.

27. Истисно тариқасида автотransпорт воситаларини бошқаришга рухсат берилаётган шахсларга рухсат этилган тўла вазни 3500 килограммдан ортиқ бўлган, махсус товушли ва ёруғлик сигналлари билан жиҳозланган, ёки хавфли юкларни, шунингдек йўловчи ташишга мўлжалланган, ҳайдовчи ўриндиғидан ташқари ўриндиқлар сони саккизтадан ортиқ бўлган автомобилларни бошқариш тақиқланади.

2¹-боб. Ногиронлиги бўлган шахсларни махсус ускуналар билан қайта жиҳозланган ва автомат узатгичли енгил транспорт воситаларини бошқариш учун тиббий кўриқдан ўтказиш

27¹. Ногиронлиги бўлган шахслар махсус ускуналар билан қайта жиҳозланган ва автомат узатгичли енгил транспорт воситаларини бошқаришга яроқли эканликларини аниқлаш учун паспорт ёки идентификацияловчи ID-karta ёхуд шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатни кўрсатган ҳолда ариза билан турар жойдаги давлат соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш-профилактика муассасасининг тиббий комиссиясига мурожаат қилади.

27². Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш-профилактика муассасасининг тиббий комиссиясида тиббий кўриқдан ўтказиш муддати 3 календарь кундан ошмаслиги керак. Тиббий кўриқдан ўтказиш муддати мураккаб, қўшимча тиббий кўриқ талаб этилганда давлат соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш-профилактика муассасасининг тиббий комиссияси раҳбари томонидан, асосланган ҳолда, 14 календарь кунига узайтирилиши мумкин.

Давлат соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш-профилактика муассасасининг тиббий комиссияси томонидан ногиронлиги бўлган шахсга 083х шаклидаги тиббий маълумотнома фақат «Б» тоифасидаги шахсий транспорт воситасини бошқаришга яроқли ёки яроқсиз деб берилади.

27⁵. Қуйидагилар махсус ускуналар билан қайта жиҳозланган (қўл билан бошқариладиган) узатгичли енгил транспорт воситасини бошқаришга тиббий кўрсатма ҳисобланади:

ҳаракатнинг ифодаланган чегараланишига сабаб бўладиган оёқ кафт деформацияси;
оёқнинг 7 см ва ундан ортиқроқ калталиги;

бир ёки иккала сон суягининг ампутицион чўлтоқлиги, чўлтоқлик қайси қисмдан бўлиши ва протезлаш имкониятидан қатъий назар;

бир ёки иккала оёқ болдир соҳасининг ампутицион чўлтоқлиги;

бир томонлама сон ёки болдир қисми чўлтоғи, иккинчи оёқнинг ҳаракат ёки статик фаолиятининг ифодаланган даражадаги бузилиши билан (оёқ панжасининг ампутицион чўлтоқлиги, деформацияси, қон томир касалликлари, йирик периферик нервларнинг шикастланиши ва бошқалар);

юриш, ўтириш фаолиятининг бузилишига олиб келувчи умуртқа поғонаси, тос ёки иккала оёқларнинг турғун деформацияси ёки касалликлари (оёқларнинг анкилозловчи полиартрити, оғир даражадаги кифосколиоз ва спондилити, псевдоартроз, эндартерит II ва III даражаси, филоёқлилиқ ва бошқалар);

ўтириш ҳолати сақланган пастки оёқларнинг парези ёки фалажлиги;

чап оёқ қон томир ва нерв толаларининг шикастланиши, ифодаланган трофик бузилишлари билан.

27⁶. Қуйидагилар автоматик трансмиссия воситаси ёрдамида транспорт воситасини бошқаришга тиббий кўрсатма ҳисобланади:

чап қўл ёки кафтнинг йўқлиги;

чап оёқ ёки оёқ панжасининг йўқлиги;

кафт ёки чап оёқ панжасининг деформацияси, ҳаракатнинг ифодаланган бузилишлари билан;

чап сон ёки болдир чўлтоқлиги, бир вақтнинг ўзида чап қўлнинг йўқлиги;

ўнг кафт бармоқ ёки фалангаларининг йўқлиги, шунингдек, фалангалараро бўғимларнинг ҳаракатсизлиги (бош бармоқнинг 2 та фалангаси йўқлиги, бош бармоқ сақланган ҳолда, ўнг қўлнинг иккита ва ундан ортиқ бармоқларининг йўқлиги ёки ҳаракатсизлиги, ёхуд битта бармоқнинг келтирувчи функциясининг йўқлиги);

мустақил ҳаракатланиш лаёқатининг I ва II даражали бузилиши билан кечувчи чап томонлама гемипарез.

3-боб. Тиббий комиссиялар томонидан бериладиган ҳужжатлар

28. Транспорт воситаларини бошқаришга яроқли деб топилган шахсларга 083/х шаклдаги тиббий маълумотнома берилади. Маълумотномада унинг ҳақиқий эканлигини текшириш имконини берувчи QR-код (матрик штрихли код) бўлади.

29. Кўзойнак ёки эшитиш аппарати билан транспорт воситаларини бошқаришга яроқли деб топилганда тиббий маълумотноманинг «алоҳида белгилар» сўзларидан сўнг «кўзойнак (контакт линза) тақиш мажбурий» ёки «эшитиш аппарати мажбурий» деган белги қўйилади.

30. 083/х шаклдаги тиббий маълумотнома унда кўрсатиб ўтилган муддатгача амал қилади.

32. Ҳайдовчиликка номзод ёки ҳайдовчи тиббий комиссия томонидан тиббий кўрик натижалари бўйича транспорт воситасини бирон бир тоифасини ёки умуман транспорт воситаларини бошқаришга нолойиқ деб топилган тақдирда унга бериладиган 083/х шаклдаги тиббий маълумотномада ушбу ҳақида тегишли белги қўйилади.

4-боб. Тиббий кўриқдан ўтказиш бўйича жавобгарлик ва низоларни ҳал қилиш

33. Тиббий кўриқнинг сифатли ўтказилишига тиббий кўриқдан ўтказувчи тиббиёт ташкилотининг раҳбари жавобгар ҳисобланади.

34. Тиббий кўриқ натижалари юзасидан норозиликлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан кўриб чиқилади.

35. Тиббий кўриқдан ўтиш жараёнида юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

5-боб. Яқуний қондалар

36. Ушбу Низомнинг талабларини бузган айбдор шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

37. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири А. ХАЙИТОВ

2013 йил 5 июнь

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Т. НАРБАЕВА

2013 йил 5 июнь

Ҳайдовчи ва ҳайдовчиликка номзодларни транспорт воситаларини бошқаришга яроқлилигини текшириш учун тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги **низомга**
ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ	<i>(Ўзбекистон Республикаси давлат гербининг тасвири)</i>	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
--	---	--

**Ҳайдовчининг (ҳайдовчиликка номзоднинг)
тиббий кўриқдан ўтказиш натижалари бўйича
МАЪЛУМОТНОМА**

№

**Тиббий муассаса
номи:**

_____ *(Тиббий кўриқ ўтказувчи ташкилотнинг номи)*

Ф.И.О.

_____ *(Олувчининг Ф.И.О.)*

ЖШШИР

_____ *(Жисмоний шахснинг шахсий идентификация
рақами)*

**Паспорт ёки ID-
карта серияси ва
рақами**

_____ *(Серия ва рақам)*

**Туғилган санаси
ва ёши**

_____ *(кк.оо.иййй (ёши))*

Яшаш жойи

Иш жойи

_____ (Ташкилот номи)

Тиббий кўрикдан ўтказиш санаси

_____ (кк.оо.иййй)

Тиббий кўрик натижалари бўйича ХУЛОСА*

1. «А» тоифадаги транспорт воситасини бошқаришга _____
2. «В» тоифадаги транспорт воситасини бошқаришга _____
3. «С» тоифадаги транспорт воситасини бошқаришга _____
4. «D» тоифадаги транспорт воситасини бошқаришга _____
5. «Е» тоифадаги транспорт воситасини бошқаришга _____
6. Трамвай бошқаришга _____
7. Троллейбус бошқаришга _____
8. Ёлланиб ишлашга _____
9. Алоҳида белгилар _____

Ушбу маълумотноманинг амал қилиш муддати

кк.оо.иййй гача.

Комиссия раиси (Ф.И.О)

Хужжатни имзолаган тиббий комиссия таркиби

_____ (Ф.И.О.)

(Хужжатнинг ҳақиқийлигини тасдиқловчи QR-код) (Хужжат ноёб рақами)

QR-код сканер қилинганда, ушбу ҳужжатнинг нусхаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий ахборот ресурсидан ssv.uz домени орқали генерация қилинади. 083/х шаклдаги тиббий маълумотнома

* Хулосанинг 1 — 8-бандлари тўғрисида ярқоқли ёки ярқоқсиз деган белги қўйилади.

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 26-сон, 343-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.05.2018 й., 10/18/2472-1/1213-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.07.2021 й., 10/21/3313/0724-сон; 01.12.2023 й., 10/23/2472-2/0914-сон; 27.09.2024 й., 10/24/2472-3/0755-сон; 28.05.2025 й., 10/25/2472-4/0477-сон)

